

---

**ON THE ACTIVITIES OF THE NON-GOVERNMENTAL NON-PROFIT ORGANIZATION “MEHRIMIZ SIZGA” IN TERMS OF SOCIAL AND LEGAL PROTECTION OF MIGRANTS**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7876813>

**Shamsiyeva Mahfuzakhon Khuja qizi**

*Fergana State University, PhD*

*Shamsiyeva69@gmail.ru*

**Annotation.**

*The article describes the projects implemented by the Centre for Social and Legal Support of Women and their Families "Charity to You Mercy", which aim to assist victims of migration and human traffickers.*

**Keywords.**

*government, non-governmental organizations (NGOs) and non-profit organizations (NPOs), social partnership, "Charity to You", Centre, migrant, human traffickers, project, pandemic, entrepreneurship.*

**“МЕХРИМИЗ СИЗГА” НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ МИГРАНТЛАРНИ ИЖТИМОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ФАОЛИЯТИГА ДОИР**

**Шамсиева Маҳфузахон Хўжа қизи**

*Фарғона давлат университети, PhD*

*Shamsiyeva69@gmail.ru*

**Аннотация.**

*Мақолада Ўзбекистонда миграция ва одам савдосидан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатишни мақсад қилган “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг oilаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази томонидан амалга оширилган лойиҳалари ёритилган.*

**Калит сўзлар.**

*давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий ҳамкорлик, “Меҳримиз сизга”, марказ, мигрант, одам савдоси, лойиҳа, пандемия, тадбиркорлик.*

## О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НЕГОСУДАРСТВЕННОЙ НЕКОММЕРЧЕСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ “МЕХРИМИЗ СИЗГА” В ЧАСТИ СОЦИАЛЬНО- ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ МИГРАНТОВ

### **Аннотация.**

*В статье описываются проекты, реализуемые Центром социально-правовой поддержки женщин и их семей "Милосердие к тебе", целью которых является оказание помощи жертвам миграции и торговли людьми.*

### **Ключевые слова.**

*государство, негосударственные некоммерческие организации, социальное партнерство, «Милосердие к Вам», Центр, мигрант, торговля людьми, проект, пандемия, предпринимательство.*

XXI асрга келиб инсоният тарихида глобаллашув жараёни янада кучайди. Глобализация давлатлар ва минтакалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг чуқурлашуви ва умумжаҳон иқтисодий очиклик ва боғлиқлик ҳамда глобал ахборот телекоммуникация ва транспорт тизимларини вужудга келишига асосланган жараёнидир. Ҳозирги даврда жаҳонда чекка ўлкалар ёки хилват бурчаклари мавжуд эмас. Барча минтакалар глобал иқтисодиёт ва ягона ахборот телекоммуникация майдонининг таркибий қисмларига айланмоқда. Бирок, глобаллашув жараёни орқали ер шари аҳолисига хавф туғдирувчи трансмиллий жиноятлар (халқаро терроризм, диний экстремизм, халқаро нарқобизнес, одам савдоси ва б) кўпайиши ҳам кузатилмоқда.

Дунё микёсида миграция бугун ниҳоятда қарама-қарши зиддиятлар ва турли хил муаммолар билан ривожланмоқда. Глобаллашув шароитида миллий давлатлар капитал, товар, информация ва одамлар устидан секин-аста назоратни йўқотишмоқда. Ишчи мигрантлар эса биринчи навбатда иқтисодиётнинг норасмий секторларига жалб қилинган. Ишчи мигрантларни, айниқса аёлларни иқтисодиётнинг норасмий секторларига жалб қилиниши айрим кимсалар ва жиноий гуруҳлар учун замонавий даромад келтирувчи тадбиркорликка айланмоқда. Бу тадбиркорликнинг жиноий формаларидан бири - бу одам савдосидир [1:16-б]

“Мехримиз сизга” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази (Андижон вилояти) ноқонуний миграция оқибатида

одам савдоси қурбонларига айланган шахсларга амалий ёрдам беришни мақсад қилган Фарғона водийсидаги ягона нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Марказ ўз олдида хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, қийин аҳволга тушиб қолган, ижтимоий ҳимояга мухтож фуқароларга зарур хизматларни кўрсатишни ўз мақсадига айлантирган.

Таъкидлаш жоизки, “Меҳримиз сизга” ННТ ининг қатор лойиҳалари Олий Мажлис Жамоат Фонди томонидан ғолиб деб топилиб молиялаштирилган. Жумладан, 2018 йилда “Оилавий тадбиркорликни биз ўзимиздан бошлаймиз!” мавзусидаги лойиҳа Избоскан туманида амалга оширилди. Амалга оширилган лойиҳада 100 яқин кам таъминланган хотин-қизлар турли касб-хунарга ўқитилди. Туманнинг Пойтуғ шаҳри ва Тўрткўл қишлоғида лойиҳа асосида кичик тикув цехлари ташкил этилиб, 5 нафар ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминланишига эришилди [2: 3 - 6].

2019 йил август ойидан Марказнинг “Биз зўравонликка қаршимиз!” – зўрликлардан жабрланган шахсларга психологик, ҳуқуқий, тиббий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатишни самарадорлигини янада кучайтириш ва уларни ижтимоий ёрдамлар олишига кўмаклашишга йўналтирилган лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида 836 та психологик, 768 та ҳуқуқий, 1100 та тиббий, 120 нафар жабрланган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Уларга тикувчилик, аёллар сартарошлиги бўйича касб-хунар ўргатилиб, ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга “Аёллар тадбиркорлик марказлари” орқали имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар берилди.

Марказнинг “Ишонч телефони” ишга туширилиб, марказ мутахассислари томонидан мурожаатлар ўрганилиб чиқилмоқда. Марказ нафақат Фарғона водийси вилоятлари, балки республикамизнинг Тошкент шаҳри, Қашқадарё вилояти фуқароларига, хусусан, меҳнат миграциясида иштирок этиб, иш берувчи томонидан психологик, иқтисодий, жисмоний зўрликларга учраган, қурилиш фирмаларида, хусусий ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб иш ҳақини ололмаган шахсларга лойиҳа ҳуқуқшуноси томонидан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалий ёрдамлар берилиб келинмоқда [3: 4 б].

Хусусан, 2020 йил сентябр-октябр ойларида “Меҳримиз сизга” маркази, “Фуқаролар ташаббусларини қўллаб қувватлаш” маркази вилоят бўлими ва “Истикболли авлод” нодавлат ташкилотлари қошида “Долзарб алоқа” ишонч

телефонлари ташкил этилиши натижасида хориждан қайтмоқчи бўлган мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларига, бепул ҳуқуқий, психологик, тиббий ва ижтимоий ёрдамлар ташкил этилди. Пандемия даврида одам савдосидан жабрланган 65 нафар мигрантларни ватанга қайтаришда ва уларни ҳужжатларини тиклашда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Марказ томонидан 100 нафар мигрантларга 35 та психологик, 30 та ҳуқуқий, 20 та ижтимоий, 15 та иқтисодий масалаларда ижтимоий реабилитация ёрдамларини кўрсатилди.

БМТ нинг Миграция бўйича Халқаро Ташкилоти ва Республика Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан тузилган йул харитасига асосан Ўзбекистоннинг қатор вилоятларида жумладан, Андижон вилоятида хориждан қайтган мигрантларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекистонда COVID-19 инқирозидан каттиқ азият чеккан жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатламларини тез суръатларда соғлигини қайта тиклаш, қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга кенг камровли хизмат кўрсатиш” лойиҳаси доирасида хориждан қайтган мигрантларнинг ижтимоий аҳволини ўрганилди. Марказ мутахассислари томонидан 12 та оғир аҳволдаги оила мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини бандлигини таъминлаш мақсадида бизнес консултантлари ёрдамида лойиҳалар тайёрланиб, БМТ нинг Халқаро Миграция Ташкилоти томонидан грант ижтимоий лойиҳаси доирасида 321,8 млн. сўмга молиялаштирилди. Хориждан қайтган мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларига Андижон, Избоскан, Олтинкўл туманларида 4 та пайвандлаш цехи, Қорасув, Андижон шаҳарлари, Олтинкўл ва Қўрғонтепа туманларида 4 та пиширик цехи, Пахтаобод, Асака ва Андижон шаҳарларида 3 та тикувчилик цехи, Андижон туманида 1та иссиқхона қурилиши учун керакли асбоб ускуналар сотиб олиб берилди [4: 5 - 6].

2021 йилнинг биринчи чорагида БМТнинг Тараққиёт Дастури ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг “Давлат бошқарувида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда аёллар фаоллигини ошириш” қўшма лойиҳаси доирасида 173 та мурожаат ўрганилиб чиқилди. Мурожаат қилган шахсларга 98 та психологик, 68 та ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, жумладан 61 нафарига ҳуқуқшунос ва адвокат томонидан маслаҳатлар берилди, 2 нафарига ҳужжатларни расмийлаштиришга, 5 нафарига ҳимоя ордери олишда ёрдам берилди [5: 14 - 6].

Шуни таъкидлаш жоизки, 2022 йил бошида Юксалиш умуммиллий ҳаракати томонидан “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази фуқаролик жамиятини

ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни самарали ва муваффақиятли амалга оширгани, давлат ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун “Фаол нодавлат нотижорат ташкилоти” деб эътироф этилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда юзага келган ижтимоий муаммолардан бири ноқонуний миграция бўлиб, у одам савдосидан жабрланганлар сонини ортиб боришига олиб келмоқда. Одам савдосини олдини олиш билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар сони Ўзбекистонда кўп эмас. Асосан улар Андижон, Бухоро, Тошкент, Самарқанд каби шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда.

Шундай экан, бошқа вилоятларда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож, хориждан қайтган мигрантлар ва одам савдосидан жабрланганлар базасини яратиш ва улар билан ишлашни йўлга қўйиш, миграция масалалари бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш зарур. Ҳудудлардаги бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида мигрантларни касб-ҳунарга йўналтирилган лойиҳалар орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилашга эришиш мумкин.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хусейнова А. Миграция ва унинг ижтимоий-маънавий муҳитга таъсири хусусида // Фалсафа ва ҳуқуқ. 2008 № 1. – Б.14.
2. “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази ҳисоботидан // III. Сўнги уч йил ичида тизимда қандай ўзгаришлар бўлди? // 2020 йил декабр. Жорий архив материаллари – Б.3
3. “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказининг “Биз зўравонликка қаршимиз!” номли лойиҳаси (муддати 10 ой (2019 йил август - 2020 йил июнь ойлари) доирасида амалга оширилган ишлар // Жорий архив материаллари
4. “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази ҳисоботидан // IV. 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлар. 2020 йил декабр. Жорий архив материаллари – Б.5
5. “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказининг статистика маълумоти // Зўрлик

ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Республика маркази Андижон вилоят бўлимининг фаолияти юзасидан // 2021 йил январ-феврал ҳолати. – Б.14